# Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларда жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича

2022 йил "23"август Қўкон шаҳри

## 21-СОНЛИ ШАРТНОМА

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи «Уйжойкурилиш» МЧЖ (кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталади) номидан раҳбари **Ш.Қосимов** биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **Кўқон шахар ХТБ** номидан (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари в.б **У.Ахмедов** ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди:

**1.Шартнома предмети**

1.1.«Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га ўзаро келишув асосида нуқсон далолатномалари ва лойиҳа-смета хужжатларига кўра қуйидаги турдаги жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради:

**Қўкон шахар ХТБ га қарашли 35 мактабнинг хожатхонасини жорий таъмирлаш**

1.2. Мазкур шартноманинг умумий киймати **188 969 801** (бир юз саксон саккиз миллион тўққиз юз олтмиш тўққиз минг саккиз юз бир ) ҚҚС билан **сўмни ташкил килади, маҳаллий бюджет маблағлар доирасида маблағ ажратилган.**

1.3.Бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини хусусиятидан келиб чиқиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилган ҳолда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова килинади.

1.4. Жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддати: 20 иш куни

**2. Ҳисоб-китоб шартлари**

2.1. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун хисоб-китоб келишилган нархларда, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура ва бошка тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб "Буюртмачи" томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланиши учун бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини сметаси ёки калкуляция ва баҳолар прейскурантлари асос бўлиб ҳисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган жорий таъмирлаш ишларида хато ва камчиликлар аниқланса ва белгиланган нарҳлар юкори деб топилса, ушбу фарқ «Иш бажарувчи» ҳисобидан қопланади.

2.2 «Буюртмачи» олдиндан 30 % микдорида туловни амалга оширади қолган хисоб-китобни тўлиқ ишлар якунлангандан сўнг текширув далолатномаси расмийлаштирилади хамда «Иш бажарувчи»нинг хисоб рақамига қолган 70% ни 30 иш кунигача тўлаб берилади.

2.3. Жорий таъмирлаш ишларини бажарилиши жараёнида «Буюртмачи»га тегишли бўлган хом-ашелар ва материаллардан фойдаланилганда бажарилган жорий таъмирлаш ишлари қийматидан ушбу сарфланган хом-ашёлар ва материаллар қиймати чиқариб ташланиб «Иш бажарувчи» билан хисоб-китоб қилинади.

**3. Томонлар хуқуқи ва мажбуриятлари**

3.1. «Иш бажарувчи» ўз кучлари ва ишлаб чиқариш воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида яъни лойиҳа-смета хужжатларида кўзда тутилган даражада ва ҳажмларда, муддатида, сифатли,техник талабларга жавоб берадиган холатда бажариб тегишли хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

3.2. «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган иш (хизматлар)ни бир қисми ёки хаммаси сифатсиз бажарилганлиги аникланиб «Буюртмачи» томонидан тегишли равишда далолатнома расмийлаштирилганда бажарилган ишларни сифатсиз кисми «Иш бажарувчи» томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қайтадан бажариб берилади. Ушбу қўшимча бажарилган ишлар учун«Буюртмачи»томонидан тўлов амалга оширилмайди.

3.3 «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини нуқсон далолатномалари (дефект актлари), лойиҳа-смета хужжатлари ва бошқа тегишли хужжатлари билан «Иш бажарувчи» ни таъминлайди.

3.4 «Буюртмачи» бажарилган жорий таъмирлаш ишларини шартнома шартлари ва лойиҳа-смета хужжатларига тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг

бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

### 4. Жарималар қўлланилиши

4.1 Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар (хизматлар) тақдим этилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нуқсонларни бартараф этишдан бош тортса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган жорий таъмирлаш ишларининг умумий қийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима қўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

4.2 Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада белгиланган ишлар муддатларида бажарилиши таъминланмаса, «Иш бажарувчи» муддатида бажарилмаган жорий таъмирлаш ишларини умумий қийматини 0.02% миқдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди.

4.3 Қабул қилинган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда хар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган иш(хизмат) миқдори суммасидан "Буюртмачи" томонидан 0.02 % миқдорида "Иш бажарувчи" га пеня тўланади.

4.4 Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

### 5. Форс-мажор

5.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошқини,енгин,зилзила,бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

### 6. Шартнома муддати

6.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.

6.2 Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача. Маълум сабабларга кўра бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.

6.3 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

а) томонлар ўзаро езма келишувига асосан;

б) «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган жорий таъмирлаш ишларини сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда хужжат расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;

в) «Иш бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1 ва 3.2 бандлари бажарилмаганда;

г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига ёки лойиха-смета ҳужжатларига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Иш бажарувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;

д)нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг, бажарилган жорий таъмирлаш ишларини нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши еки қупайиши)лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;

Изоҳ: б, в, г, д пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилингани тўғрисида «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

### 7. Қўшимча шартлар

7.1 Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро ҳал қилинади. Ўзаро ҳал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Иқтисодий судлари орқали ҳал қилинади.

7.2 «Иш бажарувчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия, гувоҳнома, сертификат) «Буюртмачи»га тақдим этади.

7.3 Шартномани бажарилиши учун тааълуқли хужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаетган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

7.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

7.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

## 8. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари

| «Иш бажарувчи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| **“Уйжойқурилиш” МЧЖ** | **Қўқон шахар Халқ таълими бўлими** |
| **(иш бажариб берувчининг номи)** | **(бюджетдан маблағ олувчининг номи)** |
| **Манзил:Қўқон шахар Моварounахр кўчаси 49а уй** | Манзил: Озодлик Хиёбони 20а уй |
| **Тел./факс 90 293 60 91**<br>**х/в: 2020 8000 9040 2336 0001**<br>**Банк номи: Универсал банк Қўқон амалиёт бошқармаси**<br>**МФО:00973 СТИР 203 085 346**<br>**ОКОНХ:61 100** | Тел./факс 542 56 77<br>ш/х* 100022860304057092100075049<br>бюджетдан маблағ олувчи<br>СТИРи_200131489_<br>ОКОНХ 97600<br>Ғазначилик бўлинмаси номи Молия Вазирлиги Газначилиги<br>Ғазна х/в 23402000300100001010<br>Банкнинг номи тошкент шахар Марказий Банк<br>МФО 00014<br>ғазначилик бўлинмаси ИНН си 201122919 |
| Раҳбар Ш.Қосимов ______ <br>(Ф.И.Ш) имзо | Раҳбар У.Ахмедов ______ <br>(имзо) |
| М.Ў. | М.Ў. |

Юридик маслахатчи хулосасаси

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: VY2128870014

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

**1. Loyihaning turi** : Shartnoma 21

**2. Loyihaning nomi**

"Uyjoyqurilish"MCHJ va Qo'qon shaxar xalq ta'limi bo'limi o'rtasida "35-umumiy o'rta ta'lim maktabini joriy ta'mirlash uchun».

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Qo'qon shaxar xalq ta'limi bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022 yil 23 avgust kuni tizimga kiritilgan .

**4.Loyiha yuzasidan berilgan xuquqiy xulosa**

Mazkur shartnoma O'zbekiston Respublikasi amaldagi qonunlari xamda «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatini shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'risida» gi qonuni asosida o'rganildi. Shartnoma loyixasi amaldagi qonun xujjatlari talablariga javob beradi xamda qonunga mos xolda tuzilgan. Tomonlarning shartnomada kursatilgan javobgarligi va uzaro nizolarni xal kilish O'zbekiston Respublikasi «Fuqarolik kodeksi» xamda «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatini shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'risida» gi qonuni asosida tuzilganligi xakida xulosa kilaman.

**Qo'qon shaxar yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuristkonsulti:** **O.Sulaymonov.**

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 136697 на приобретение 35 мактаб хожатхонасини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 19.08.2022

Время рассмотрения 19.08.2022 18:29

Конкурсная комиссия Кукон шахар халк таълими булими, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | AXMEDOV UMIDJON MURODOVICH | Мудир | Кукон шахар ХТБ |
| **Секретарь комиссии** | URMANOV VALIJON GULAMOVICH | Kotib | Qo'qon shaxar XTB |
| **Член комиссии** | XOSHIMJONOV FERUZBEK DILSHODJON O'G'LI | Мухандис ёрдамчиси | Кукон шахар ХТБ |
| **Член комиссии** | MUSAYEV AKMAL ABDURAXMANOVICH | Bosh injiner | Qo'qon shaxar XTB |
| **Член комиссии** | USMONOV BUNYODJON ODILJONOVICH | Bosh xisobchi | Qo'qon shaxar XTB |
| **Член комиссии** | XAPIZOVA DILFUZA GAFAROVNA | Bosh iqtisodchi | Qo'qon shaxar XTB |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 19.08.2022 года № лота 136697.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 72

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по текущему ремонту сооружений** |
| Подробное описание | Услуги по текущему ремонту сооружений |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 191 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 191 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ишчи ўрни ва техника сони

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишчи ўрни ва техника сони

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО UYJOYQURILISH** | 20 | талаб этилган хужжатлар юкланди | 15 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ME'MOR PARDOZ XK** | 20 | хужжатлар юкланди | 15 | Экспертная | | |

Критерий №2 Пудрат ташкилотининг электрон рейтинги

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудрат ташкилотининг электрон рейтинги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO UYJOYQURILISH** | 20 | Рейтинг тоифа DDD маълумотларни reyting mc uz сайтидан МЧЖ нинг стир кодини териб аниклашингиз мумкин | 18 | Экспертная | | |
| **ME'MOR PARDOZ XK** | 20 | Рейтинг тоифа юкланди reyting mc uz сайтидан МЧЖ нинг стир кодини териб аниклашингиз мумкин | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Кафолат хати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO UYJOYQURILISH** | 20 | Кафолат хати ва кушимча физик хажмларга ишланган офёрта юкланди | 20 | Экспертная | | |
| **ME'MOR PARDOZ XK** | 20 | бор | 5 | Экспертная | | |

Критерий №4 Банкротлик

Тип: Текстовое значение

Описание: Банкротлик

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO UYJOYQURILISH** | 20 | talab qilingan xujjatlar to'liq PDF formatida yuklandi | 20 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ME'MOR PARDOZ XK** | 20 | банкротлик тамойили мавжуд эмаслиги тугрисида маълумотнома юкланди | 20 | Экспертная | | |

Критерий №5 Соликлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Соликлар

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO UYJOYQURILISH** | 20 | talab qilingan xujjatlar yuklandi Хужжатлари хакикийлигини MY.SOLIQ.uz сайтидан ёки маълумотномада акс эттирилган QR кодни сканерлаб куришингиз мумкин булади | 20 | Экспертная | | |
| **ME'MOR PARDOZ XK** | 20 | солик хати юкланди | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ME'MOR PARDOZ XK** | 191 000 000.00 | 190 005 800.00 UZS | 190 005 800.00 | 00.00 | 190 005 800.00 | 18.08.2022 18:15:08 | 19.89 |
| **OOO UYJOYQURILISH** | 191 000 000.00 | 188 969 801.00 UZS | 188 969 801.00 | 00.00 | 188 969 801.00 | 18.08.2022 17:35:48 | 20.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ME'MOR PARDOZ XK** | 64 | 19.89 | 83.89 |
| **OOO UYJOYQURILISH** | 74.4 | 20 | 94.4 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 136697 от 19.08.2022 года на приобретение 35 мактаб хожатхонасини жорий таъмирлаш определила победителем:

OOO UYJOYQURILISH
203085346

и резервный исполнитель: ME'MOR PARDOZ XK (305546075)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | AXMEDOV UMIDJON MURODOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XOSHIMJONOV FERUZBEK DILSHODJON O'G'LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | MUSAYEV AKMAL ABDURAXMANOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | USMONOV BUNYODJON ODILJONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XAPIZOVA DILFUZA GAFAROVNA | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Қўқон шаҳар ХТБ мудири**
**комиссия**
**раиси:__________У.Ахмедов**

“ 23 ” август 2022 йил                                                                                     Қўқон шаҳри

Қўқон шаҳар Халк Таълими бўлими тасарруфидаги 35-сонли мактабнинг хожатхонасини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 2022 йил бюджетдан (ШХР_100022860302387092100075049) ажратилаётган маблағларни максадли ва окилона сарфланишини таъминлаш максадида танлов ўтказиш бўйича харид комиссиясининг йиғилиш

## Б А Ё Н И № 21

Қатнашдилар:

| | |
|---|---|
| У.Ахмедов | Танлов раиси, бўлим мудири |

Аъзолар:

| | |
|---|---|
| Б.Усмонов | Танлов комиссияси аъзоси бўлим бош ҳисобчиси |
| А.Мусаев | Танлов комиссияси аъзоси, бўлим бош муҳандиси |
| Ф.Хошимжонов | Танлов комиссияси аъзоси, мутахассиси |
| Д.Хапизова | Танлов комиссияси аъзоси, бўлим бош иқтосодчиси |

Ўзбекистон Республакаси Президентининг **2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ -684** сонли **"Давлат харидлари тўғрисидаги”** ги қонунига мувофиқ 2022 йил 13 июл куни энг яхши таклифларни танлашга жойлаштирилган лот **№22110012136697** ракамли Қўқон шаҳар ХТБ тасарруфидаги 35 сонли мактаб хожатхонасини жорий таъмирлаш ишларини бажариб бериш учун товар хом ашё биржасининг махсус ахборот порталига 12.08.2022 йилдан 19.08.2022 йил кунигача 5 иш кунига эълон жойлаштирилган.

Ушбу эълон бўйича 19.08.2022 йилгача 2 нафар курилиш сохасига ихтисослашган корхоналардан таклифлар келиб тушди. Жумладан;

1. " Мемор пардоз" хусусий корхонаси;
2. “УЙЖОЙКУРИЛИШ” маъсулияти чекланган жамияти;

Таклифлар бўйича комиссия аъзолари ўрганиб чикиб 19.08.2022 йил куни бахоланган ва 3 иш куни мобайнида мухокамага қўйилган. 22.08.2022 йил кунигача 3 иш куни мобайнида эътирозлар келиб тушмади. ХТБ таъсарруфидаги 35 мактаб хожатхонасини жорий таъмирлаш ишлари бўйича ғолиб деб топилган “Уйжойқурилиш” МЧЖ билан шартнома имзоланди.

| | |
|---|---|
| **Қўқон шаҳар ХТБ мудири** | **У.Ахмедов** |
| **Қўқон шаҳар ХТБ бош хисобчиси** | **Б.Усмонов** |
| **Қўқон шаҳар ХТБ бош мухандиси** | **А.Мусаев** |
| **Қўқон шаҳар ХТБ бош иқтисодчиси** | **Д.Хапизова** |
| **Қўқон шаҳар ХТБ мутахассиси** | **Ф.Хошимжонов** |